

НЕМИС ТИЛИ ҚИЁСИЙ ФРАЗЕОЛОГИК БИРЛИКЛАРИНИНГ ТИЛДА ВА НУТҚДА ҚЎЛЛАНИЛИШИ

Л. Содиқов ¹

Аннотация:

Ушбу мақолада немис тилида мавжуд бўлган қиёсий фразеологик бирликлар ҳақида маълумот берилиб, уларнинг тилда ва нутқда воқеланиш ҳолатлари ҳақида фикр юритилади.

Калит сўзлар: фразеология, сўзлашув нутқи, қиёсий фразеология, диалогик контекст, номинатив вазифа, сигнификатив вазифа, фразеуя.

doi: <https://doi.org/10.2024/y4tngw8o>

Сўзлашув нутқининг фразеологияси сўзлашув нутқ шароитида етказиб бериладиган маълумотнинг аниқлиги ва кўргазмалилигини эришишга имкон берувчи ёрқин жонли хусусиятларнинг ранг-баранглиги билан ажралиб туради. Сўзлашув нутқидаги фразеологик бирликларнинг белгиланган хусусиятлари ҳам уларнинг категориал жиҳатидан ўзига хос ҳисобланиб, диалогнинг коммуникатив жараёнидаги динамик шароитларда кузатилади.

Қиёсий фразеологик бирликларнинг туркуми диалог яққол кўринади. Уларнинг фразеологик ўзига хослиги анъанавий қиёслашда асосланган. Диалогик контекстининг қурилишидаги уларнинг роли ўта муҳим ҳисобланади. Улар инсоннинг билиш фаолиятига оид бой тажрибасини, унинг воқелик ҳақидаги жонли тасаввурларни етказиб беради. Қиёсий фразеологик бирликлар диалогнинг коммуникатив жараёнида нафақат муҳим номинатив-коммуникатив вазифаларни ўз ичига олади, балки ҳам гапирувчининг уларнинг жонли-маъновий мазмунига муносабатини намоиш қилади [А.Яхшиев, 2021, б. 25]. Қиёсий фразеологик бирликларга коннотация унсурларнинг мазмунли тузилмасидаги ранг-баранглиги хос. Бунинг оқибатида уларнинг номинатив ва коммуникатив ўзига хослиги дунёдаги нарса ва ҳодисаларнинг жонли идрок этишини алоҳида-алоҳида белгилайди. Бунда мазкур ўзига хослиги амалга оширишининг мутлақ кенг доирасига эга бўлиб, миллий, муаллифга, жанрга оид, услубий, тарихий каби ҳар хил ўлчовлари бўйича аниқланади.

Қиёсий фразеологик бирликлар ушбу тил соҳиблари учун турғун, ишончли сиймоси билан таққослашнинг кўргазмалилиги туфайли ажратилиб ҳамда барқарорлаштириб, қўйидаги лисоний вазифаларни бажармоқда: 1) хабар (ёки конститутив вазифаси); 2) белгилаш (номинатив вазифаси); 3) умумийлаштириш (сигнификатив вазифаси); 4) экспрессив-ҳиссий таъсири; 5) рамзий. Охирги вазифаси сўзлашув нутқида компаратив фразеологиясини алоҳида ажратиб кўрсатмоқда. Аслини олганда, қиёсий фразеологик

¹ Содиқов Лазиз, СамДЧТИ докторанти

бирликлар ушбу тил соҳибларнинг мавжуд дунёдаги турли нарсалар, ҳодисалар, вазиятларга муносабатини кўрсатувчи у ёки бу турғун рамзи ҳисобланади. Ушбу рамзлар қиёсий фразеологик бирликлар орқали етказилган ҳолда миллий ва миллийусти характериға эға [S. Bean, 2005, с. 328-329]. Мисол учун, қўйидаги қиёсий фразеологик бирликлар куч, қудратининг: *stark wie ein Bär* ‘жуда кучли, отдек’; *(ein Kerl) wie ein Baum* ‘давангирдай одам, баҳодир, полвон’; ҳамда сукут сақлашининг: *stumm wie ein Fisch* ‘оғзига сув олгандай жим, миқ этмайди’; дағаллик рамзи бўлади: *frech wie Rotz* ‘роса сурбет’ ва бошқалар. Айрим қиёсий фразеологик бирликларнинг жонли рамзлари замонавий ҳаётидан ғойиб бўлган тасаввурларни акс эттирмоқда. Қиёслашнинг негизини бундай ўчириши фразеологик бирликларнинг идиома хусусиятларини кучайтиради: *süß wie die Sünde* ‘гуноҳдай ширин’; *heiß wie die Hölle* ‘дўзахдай иссиқ’.

Қиёсий фразеологик бирликлар ҳам ўзига хос прагматик вазифаларни бажармоқда. Ҳақиқатдан ҳам, улар нафақат номланиш воситаси сифатида тавсифланади, балки ҳам маълумот баҳосини ифодалайди. Айтайлик *wie die Ochsen vor dem Tor* фразеологик бирлиги нафақат “таажжубда бўлган, боши қотган” инсон сиймосининг рамзи бўлиб, балки ҳам гапирувчининг ушбу ҳолатга ўта салбий муносабатини билдиради.

Қиёсий фразеологик бирликларнинг қурилиш тузилмасига мурожаат этсак, улар кўпинча фразеологик бирликларнинг биринчи тузилмавий тури ҳисобланувчи “аниқловчи + *wie* қиёсий боғловчиси + аниқловчининг объекти” кетма-кетлигида бутланадиган фразеошакл қурилиш ихчамлиги орқали ажралиб туради: *schwarz wie der Teufel* ‘иблисдай қора’; *süß wie die Sünde*; *heiß wie die Hölle*.

Қиёсий фразеологик бирликларнинг иккинчи тури “*wie* қиёсий боғловчиси + қиёслаш объекти + феъл” каби модели бўйича шакллантирилади: *wie ein Stier brüllen* ‘дод солиб йиғламоқ, уввос тортмоқ’; *wie die Pest stinken* ‘сасимоқ, сассиқ ҳид чиқармоқ’; *wie ein Mensch aussehen* ‘инсон қиёфасини орттирмоқ’.

Wie қиёсий боғловчи билан бошланган моделининг ифодалари қиёсий фразеологик бирликларнинг махсус турини ташкил қилмоқда. Одатда ушбу жиҳат фразеошаклнинг асосий таркиби «C1 + олд кўмакчи + C2» моделининг олд кўмакчили-субстантив бирикмаси негизида қурилиш ҳолатларида белгиланади: *wie die Ochsen vor dem Tor* ‘ҳеч кўрмагандек анграймоқ; тўнкадай бўлиб турмоқ’; *wie ein Blinder von der Farbe* ‘сўқир ранглар ҳақидагидек мулоҳаза қилмоқ’; *wie die Trauben für den Fuchs* ‘тулки учун узумдай’; *wie der Fisch im Wasser* ‘сувда юрган балиқдай’. Ушбу моделидаги қиёсий фразеологик бирликлар ўз фразеошаклни феълий таркибий қисмининг кейинги жорий этилиши орқали кенгайтиради: *wie die Butter in der Sonne schmelzen* ‘бир пасда ўтиб кетмоқ (ҳис-туйғу ҳақида)’; *wie die Made im Speck leben* ‘егани олдида, емагани кетида бўлмоқ’; *wie ein Vogel im Käfig leben* ‘қафасдаги қушдай яшамоқ’. Баъзан феълий таркибий қисми қиёсий фразеологик бирлигининг фразеошаклида бутунлай мустаҳкамланмай, ихтиёрий аъзо ҳисобланиши мумкин: *wie der Fisch im Wasser (sein)* ‘сувда юрган балиқдай (бўлмоқ)’.

Қиёсий фразеологик бирликларнинг семантик-тузилмавий хусусиятларнинг шакллантиришии субстантив таркибий қисмларнинг

фразеоясаш фаоллиги билан шартланган. Сўзлашув фразеологик бирликларнинг бундай туркуми равишлар ва партиципиал сўз шакллари билан қиёслаш орқали камроқ шакллантирилади: *wie schade* 'афсуски'; *wie eh und je* 'азалдан бўлиб кетгандай'; *sich fühlen wie neugeboren* 'ўзини янги туғилган чақалоқдай ҳис қилмоқ'.

Қиёсий фразеологик бирликларнинг семантик хусусиятлари сўзлашув нутқида қўйидаги семантик гуруҳларнинг мавжудлиги билан тавсифланади:

1. Инсоннинг ташқи қиёфасини тавсифловчи қиёслашлар: *wie aus dem Ei gerellt* 'яп-янги, чақмоқдай кийинган'; *aussehen wie das leibhaftige Elend* 'кўриниши ёмон бўлмоқ'; *dünn wie ein Strich* или *bloß noch ein Strich (nur noch ein Strich)* 'тарашадек озгин (қотма)' ва бошқалар.

2. Рангни белгиловчи қиёслашлар: *schwarz wie die Nacht* 'кўкимтир-қора'; *schwarz wie eine Rabe* 'қатрондек қоп-қора, тимқора'; *weiß (bleich) wie eine Wand* 'бўздай оқариб кетган' ва бошқалар.

3. Инсоннинг ички хусусиятларнинг маъноларини, унинг феъл-атвор ҳислатларни етказиб берувчи қиёслашлар: *wie besessen* 'бутун вужуди билан берилган одам'; *emsig wie eine Biene* 'асаларидай заҳматкаш'; *dumm wie Bohnenstroh* 'фирт тентак, ниҳоятда бефаҳм' ва бошқалар.

4. Инсоннинг маълум ҳолатларни тавсифловчи қиёслашлар: *j-d hat Geld wie Neu* 'пулни маймун ҳам емайди'; *arm wie eine Kirchenmaus* 'ўтакетган камбағал, қашшоқ'; *reich sein wie ein Krösus* 'ошиб-тошиб ётган бой бўлмоқ' ва бошқалар.

Қўйидаги семантикага эга бўлган феълларнинг қўшилиши қиёсий фразеологик бирликларнинг тузилишига хос ҳисобланади:

1. Силжиш феълларига эга бўлган қиёслашлар: *sich winden wie ein Aal* 'иложини топиб қутулмоқ'; *schwimmen wie eine bleierne Ente* 'сузишни билмаслик' ва бошқалар.

2. Ҳаракат феълларига эга бўлган қиёслашлар: *rennen wie ein vergifteter Affe* 'оёғи куйган товукдай югуради'; *um etw. herumgehen wie die Katze um den heißen Brei* 'қалтис масалани тегмай ўтмоқ'; *fahren wie die Feuerwehr* 'оёғини қўлига олиб чопмоқ' ва бошқалар.

3. Нутқ феълларига эга бўлган қиёслашлар: *reden wie ein Buch* 'силлиқ, равон гапирмоқ'; *schwätzen wie eine Elster* 'вайсамоқ, валдирамоқ'; *wie im Fieber sprechen* 'босинқирамоқ' ва бошқалар.

4. Ҳолат феълларига эга бўлган қиёслашлар: *schlafen wie ein Bär* 'жуда қаттиқ уйқу билан ухламоқ'; *dastehen wie ein Fragezeichen* 'букчайиб юрмоқ'; *dastehen wie ein Häufchen Elend (Unglück)* 'аянчли кўринишга эга бўлмоқ'; *wie auf Nadeln sitzen* 'ўзини игна устида ўтиргандай сезмоқ' ва бошқалар.

Немис сўзлашув фразеологиясидаги феълий қиёсий фразеологик бирликлар 50 фоиздан ортиқ ташкил қилувчи 228та фразеологик бирликдан иборат. Улар ҳаракатнинг жадаллигини етказиб беради. Мисол учун: *wie ein Kind lachen, weinen; wie ein Fürst leben; wie ein Buch reden; wie ein Stein schlafen* ва бошқалар.

Бошқа тадқиқотчилар феълий қиёсий фразеологик бирликларнинг устуворлигини ҳам таъкидлайди. Шундай қилиб, П.Р.Лутцейер кузатишича [P.R. Lutzeier, 2009, с. 109], немис тилидаги қиёсий фразеологик бирликларнинг

умумий сонидан (боодан зиёд) 440та феълий, 171та адъектив фразеологик бирликларни ташкил қилмоқда.

Аниқлаштирувчи компаратив фразеологик бирликлар қиёсий фразеологик бирликларнинг тури ҳисобланади: *fressen wie eine neunköpfige Raupe*; *mit j-m wie mit einem Kind sprechen*; *faul sein wie die Pest* ва бошқалар. Немис тилидаги қиёсий фразеологик бирликларнинг учдан бир қисми бетараф стилистик баҳолашга эга сўзлашув фразеологик бирликлардан иборат (317тадан 123та, яъни 39 фоиз). Луғатларда улар одатда ҳеч қайси белгиларсиз тақдим этилган. Қиёсий фразеологик бирликларнинг кейинги қатлами яққол ифодаланган сўзлашув таъсирчанлиги билан тавсифланади. Луғатларда улар тегишли белгилар билан биргаликда белгиланган: сўзл., яъни кундалик фразеологияси (317тадан 94та ёки 29,3%); сўзл.-фам., яъни сўзлашув бетакаллуф қиёсий фразеологик бирликлари (қўпол, беадабларигача). Уларнинг сони 317тадан 66та ёки 28,2% ташкил қилади.

Қиёсий фразеологик бирликларнинг қолган семантик-стилистик турлари қўшимча модал-баҳоловчи тусларни амалга оширилиши билан тавсифланади. Ушбу тусларга сўзлашув-ҳазиломуз (15та), сўзлашув-маъқулламаган (3та), сўзлашув-нафратли (3та), сўзлашув-қўпол (2та), ҳазиломуз (1та), юқори (3та), жами 35та фразеологик бирлик. Улар қиёсий фразеологик бирликларнинг 1,7 фоизини ташкил қилмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

[1]. Яхшиев А.А. Немис тили оғзаки нутқи тизимида фразеологик бирликларнинг семантик-дискурсив мақоми. Филология фанлари доктори (DSc) диссертацияси автореферати. – Самарқанд: СамДЧТИ, 2021. – 75 б.

[2]. Bean S. *Symbolic and Pragmatic Semantics*. – Chicago: University of Chicago Press, 2005. – 450 p.

[3]. Lutzeier, Peter Rolf. *Lexikologie*. – Band 1. – Tübingen: Brigitte Narr, 2009. – VIII, 167 S.